

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил 16 февраль куни, Тошкент вилояти, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, суд биносида очик суд мажлисида раислик қилувчи: **А.Хамраева**, судья ёрдамчиси **У.Ўрманов**нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси **Б.Махаммаджанов**, судланувчи ... ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат **А.Хамраев**, жабрланувчи **М.Мирзаевлар**нинг иштирокида, ...га оид 1-1104-2604/85-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларга кўра:

... (...) - 2000 йил 25 июль куни Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2017 йил 6 октябрь кунидаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди юзлан ЖКнинг 59,86-моддасига кўра 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига кўра 1 йил синов муддати белгиланган, судланганлик ҳолати тугалланган, **...хонадонда доимий рўйхатда туриб, ...хонадонда** яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК **266-моддасининг 1-қисми ва 117-моддасининг 1-қисми** билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб, тарафларнинг музокарасини, жабрланувчининг талабларини, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ... Баймуратова Махлиё Абдусаттаровнага тегишли бўлган давлат рақам белгиси 10С089МА бўлган, “Матиз” русумли автомашинасини 2025 йил 21 ноябрь куни соат тахминан 01:40 да, бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз, Ангрен шаҳар Грум МФЙ, Эски Тошкент кўчаси бўйлаб, Грум йўналишида бошқариб кетаётиб, ушбу йўлнинг “Дукентсой” автомобил йўл белгиси қаршисига етганда, амалдаги “йўл ҳаракати Қоидалари”нинг 4, 53 ва 77-банди талабларини кўпол равишда бузган, яъни 4-банди талабларига кўра, “йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф тўғдирмаслиги керак”, 77-банди талабларига кўра, “ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини



белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”, ва 53-банди, яъни “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш(қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдиндан олдин бажарилаётган монёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” деб кўрсатилган бўлсада, эҳтиётсизлик ва ўз-ўзига ишониш оқибатида, Грум маҳалласи томон пиёда ҳаракатланиб, кетаётган Мирзаев Муҳамматжон Маъмировични автомашина ўнг томон ва орқани кўриш ойнаси қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ходисасини содир этиб, ва амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 13- банди 2 ва 4-қисмлари талабларини, яъни “йўл-транспорт ходисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда кутқарув хизматларини чақириши, шошилиш ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш-профилактика муассасасига йўлакай транспорт воситасида жўнатиши, бунинг имкони бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исми-шарифи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ҳақида ахборот бериши (ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик ҳужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши, ҳодиса ҳақида ИИОга хабар бериши, гувоҳларнинг исм-шарифини ва яшаш манзилини ёзиб олиб, ИИО ходимларининг келишини кутиши шарт» деб кўрсатилган қоидаларни қўпол равишда бузиб, тан жароҳати олган йўловчи ...га тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрмасдан, йўл-транспорт ходисаси ҳақида ИИОга хабар бермасдан ва уларнинг келишини кутмасдан ҳодиса жойидан кетиб қолган.

Суд-тиббий экспертизасининг 29.12.2025 йилдаги 10361-сонли хулосасига кўра, фуқаро М.Мирзаев чап катта болдир суякларини ўрта учлигидан парчаланиб синиб силжиши, болдир суякларини синдезмест йиртилиши, бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши каби жароҳатлар олганлиги, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра, оғир тан жароҳати тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Суд оид автотехника экспертизасининг 11.12.2025 йилдаги 958-сонли хулосасига кўра, йўл-транспорт ходисасида “Матиз” русумли автомашина ҳайдовчиси йўл ҳаракати қоидаларини 4-бандига зид равишда автомашинани бошқарганлиги кўрсатилган талабларига зид бўлганлигини кўрсатиб ўтилган.

Судланувчи ... судда, дастлабки тергов органи томондан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2025 йил 21 ноябрь куни соат тахминан 17:00 ларда ишдан чиқиб, ўзига тегишли бўлган 10С089МА бўлган, “Матиз” транспорт воситасида ишга кириш учун Ангрен шаҳар Грум МФЙ, Эски



Тошкент кўчаси бўйлаб, Грум йўналишида бошқариб кетаётиб, Грум МФЙ, томон пиёда ҳаракатланиб, кетаётган исмини кейинчалик билишича Мирзаев Муҳаммаджон Маъмировични автомашина ўнг томон ва орқани кўриш ойнаси қисми билан уриб юборганлигини, у кўрққанидан автомашинани хайдаб кўп вақатли уйларни орасига кириб кетиб қолганлигини, айбига тўлиқ ирорлигини, жабрланувчига етказилган 40 000 000 сўм пуллардан 3 100 000 сўм пулларни қоплаганлигини, қолган пулларни ишлаб тўлашлигини, бўйдоқлигини, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи **Мирзаев Муҳаммаджон Маъмирович** суд мажлисида, у судланувчини иш юзасидан танишлигини, у 2025 йил 20 ноябрь куни соат тахминан 21:00 ларда Андижон туманидан Ангрен шаҳрига ишимга бориш мақсадида йўлга чиққанлигини, у Ангрен шаҳрига ишхонасининг раҳбарининг хонадонига яъни ишлаб яшайдиган жойига Грум маҳалласи томон пиёда ҳаракатланиб кетганлигини, у Ангрен шаҳар Грум маҳалласи Нур чойхонасига етиб келиб Грум маҳалласи томонга чапга бурулиб Эски Тошкент кўчаси бўйлаб автомобил йўлини четидан пиёда Грум йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб кетаётганида тахминан соат 01:50ларда Грум маҳалласи Эски Тошкент кўчаси бўйлаб кетаверишда кўприкдан ўтганидан сўнг катта тезликда уни чап томонидан Матиз русумли автомашинада исмини кейинчалик билишича Абдурахмонов Исомиддин уни уриб юборганлигини у хушини йўқотганлигини, ... унга моддий ёрдам кўрсатмаганлигини, ўзининг даволаниш учун тахминан 40 000 000 сўм миқдорда харажат қилганлигини, суд тергови вақтида судланувчи 3 100 000 сўм пулларни қоплаганлигини, ундирилмай қолган зарарни судланувчидан ундириб беришни судланувчига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Баён этилганлардан ташқари, суд судланувчи ...нинг айби, жиноят ишида тўпланган материаллар, яъни: жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг аризалари, билдирги, дастлабки тушунтириш хатлари, нарсани олиш баённомаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, суд тиббий экспертизаларнинг хулосалари, воқеа жойини кўздан кечириш ҳақидаги баённома, чизмаси, фотосуратлар, суд тиббий ва автотехника экспертизалари тайинлаш ҳақидаги қарорлари ва хулосалари, тушунтириш хатлар ва сўроқ қилиш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сон қарорининг 8-бандига кўра, ЖК 260, 261-263, 266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг зарурий белгиси содир этилган ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёхуд жиноят қонунида кўрсатилган бошқа қоидаларнинг бузилиши билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш борлиги ҳисобланади. Ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин.



Шуни назарда тутиш лозимки, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш транспорт воситасини бошқариш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириш, йўл белгиларига риоя қилмаслик, ҳаракатланишнинг қарама-қарши томонига чиқиб кетиш ва шу кабиларда) ифодаланади. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш эса, транспорт воситаларидан фойдаланиш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, ногабарит юкларни ёки йўловчиларни бунга мўлжалланмаган транспорт воситасида ташиш, транспорт воситаси бошқарувини шу воситани бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга топшириш ва шу кабиларда) ифодаланади.

Мазкур қарорнинг 9-бандига кўра, судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини текширишда йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг қайси бандлари бузилганлигини ва улардан қайсилари ЖК 266-моддасида назарда тутилган оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлганлигини аниқлаш зарур.

Мазкур қарорнинг 12-бандига кўра, йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари эҳтиётсизлик оқибатида бузилганлиги сабабли бир йўла бир неча шахснинг баданига турли даражадаги оғирликда (енгил, ўртача оғир ёки оғир) шикаст етказилган бўлса, айбдор шахс ЖК 266-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Мазкур қарорнинг 26-бандига кўра, судлар ЖК 260, 260¹, 262, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга оид ишларни кўришда, судланувчига нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги қўшимча жазо чорасини қўллаш масаласини муҳокама қилишлари лозим. Мазкур масала шахс бундай ҳуқуққа эга, эгамаслигидан (масалан: шахс жиноят содир қилгунга қадар ёки тергов вақтида маъмурий тартибда ёки суд ҳукми билан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигидан) қатъий назар, муҳокама қилиниши шарт.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ...нинг жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказилишига олиб келган “Йўл ҳаракати қоидалари” талабларини бепарволиги оқибатида бузганликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан ҳамда “жабрланувчига ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлсада унга ёрдам кўрсатмасдан ҳодиса содир бўлган жойдан қочиб кетганлик”да, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 117-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлик ҳолати билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан судланувчи ...нинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ...га нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар



томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги;

қарорнинг 3-бандида, Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги тушунтиришларига риоя қилиб;

судланувчи ... томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, ота-онаси эрта вафот этишганлигини, оилада ягона боқувчилигини, моддий таъминотга муҳтожлигини, жабрланувчи М.Мирзаев судланувчи ...га нисбатан етказилган зарарни қоплаш учун вақт сўраганлигини, ...га нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб берган илтимосномасини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, у жавобгарликка тортилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, озодликни чеклаш жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан узел кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, озодликни чеклаш жазосини ўзининг яшаш хонадонида ўташликни белгилаб, ...нинг зиммасига: - жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик; ишга жойлашиш, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқмаслик; жабрланувчи **М.Мирзаевга** етказилган зарарни 3 (уч) ой муддатга тўлаш мажбуриятини юклатишни унга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳуқуқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сон қарорининг 19-бандидаги жиноят ишидан келиб чиқувчи фуқаровий даъвони фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида кўраётганда, суд мулкий зиённи қоплаш учун ундирилаётган суммани жиноят ишида мавжуд далиллар, шунингдек, тарафлар томонидан қўшимча тақдим қилинган ва суднинг ташаббуси билан тўпланган далиллар асосида белгилаши ҳақидаги қонунни қўллаш бўйича берилган тушунтиришларига риоя қилиб судланувчи ...дан жабрланувчи **М.Мирзаевнинг** фойдасига **36.900.000 сўм** зарарни ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 10-бандида “Судларнинг эътибори шунга қаратилиши лозимки, ЖКнинг 471-моддаси 1-бандига асосан айблов ҳукмини чиқаришда, судлар иш бўйича келтирилган фуқаровий даъво масаласини ҳал қилишлари лозим. Фақатгина суд фуқаровий даъво билан



қўшимча ҳисоб-китоб талаб қилиб, уни суд мажлисида бартараф этишнинг имконияти бўлмаса ва бу суд қароридаги жиноят квалификацияси, жазо меъёри ва ҳукм чиқаришда юзага келадиган бошқа масалаларга таъсир қилмаганда, суд фуқаровий даъвонинг ундириладиган миқдори масаласи фуқаролик иш юритуви тартибида ҳал қилинишини тушунтириши лозим” деб белгиланган.

Юқоридаги Пленум қарори талабларидан келиб чиқиб, суд, жабрланувчига ундирилмай қолган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

... (...) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг **266-моддаси 1-қисми** ва **117-моддаси 2-қисми**да назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

... Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг **266-моддаси 1-қисми билан 2 (икки)** йил муддатга муайян ҳуқуқдан яъни, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойга қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда **...хонадондан** чиқишини чеклаган ҳолда **1 (бир) йил 10 (ўн) ой** муддатга озодликни чеклаш жазоси;

...га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК **117-моддасининг 1-қисми** билан иш ҳақининг **10 (ўн)** фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **1 (бир) йил** муддатда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг **59,61-моддаларга** асосан тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни қисман қоплаш йўли билан узил-кесил ўташлик учун **2 (икки)** йил муддатга муайян ҳуқуқдан яъни, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойга қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда **...хонадондан** чиқишини чеклаган ҳолда **2 (икки)** йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг **61-моддасига** асосан озодликни чеклаш жазоси ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари алоҳида ижро қилинсин.

...га нисбатан тайинланган жазони ижро эттириш ҳамда ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати ... Ангрен шаҳар ИИБ Пробация гуруҳида рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

...нинг зиммасига:

- жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- иш жойлашиш;



- жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

...га **36.900.000 сўм** келтирилган зарарни **3 (уч) ой** муддатда қоплаш мажбурияти юклатилсин.

...га агар у жазони ўташ даврида ўзининг жиной қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд унга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

агарда озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товласа, шунингдек, суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

...га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи ...дан жабрланувчи **М.Мирзаевнинг** фойдасига **36.900.000 сўм** зарар ундирилсин.

Жабрланувчи ва бошқа шахслар келтирилган бошқа зарарлар билан боғлиқ бўлган пул маблағларини ундириш масаласи бўйича фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи ҳамда манфаатдор томонлар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида апелляция тартибида, суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Тошкент вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

А.Хамраева

